

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

БАНКЛАРДА ЛИКВИДЛИЛИК РИСКИНИ БОШҚАРИШДА

БАНК РЕСУРСЛАРИДАН ОПТИМАЛ ФОЙДАЛАНИШ

ИМКОНИЯТЛАРИ

Саримов Шахбозали Соатали ўғли

ТДИУ таянч докторанти

Аннотация. Ўзбекистон Республикаси банк тизими охирги йилларда жаҳон ва халқаро амалиётда бўлаётган салбий ҳолатларга ва улардан кўрилиши мумкин бўлган йўқотишларга муносиб тарзда жавоб бермоқда. Банк тизими ва тижорат банклари молиявий барқарорлиги доимий тарзда назорат қилиб борилмоқда, қўшимча талаблар ва мажбуриятлар жорий этилмоқда. Мазкур қилинаётган комплекс ишлар ўз ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Хусусан, банк тизимининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари ҳамда банкларнинг молиявий ҳолати Банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитасининг Базел III минимал талабларидан доимий равишда юқори бўлмоқда. Шунингдек, ликвидликни қоплаш коэффициенти (*LCR*) минимал талабга (100 фоиз) нисбатан юқори даражада шаклланди.

Калит сўзлар. ликвидлилик, банк ликвидлилиги, банк риски, банк капитали, молиявий барқарорлик, йирик битим, йирик маблағлар, соф барқарор молиялаштириш меъёри кўрсаткичи, ликвидликни қоплаш коэффициенти, риск идентификацияси.

Олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бош мақсади мамлакат молия-банк тизими барқарорлигини таъминлаш, уларни ислоҳ қилишни янада такомиллаштириш, соф рақобат муҳитини яратиш ҳисобланади. Мазкур мақсадга эришишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони ва 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ги Қарори асосий ролни ўйнамоқда.

Банк ликвидлилиги – банк активлар ўсишини молиялаштириши ва кўзда тутилмаган йўқотишларсиз мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш имкониятидир. Ушбу ликвидлиликни назорат органлари томонидан ўрнатилган меъёрда сақлаб туриш лозим. Баъзи ҳолларда банк ликвидлилиги билан боғлиқ салбий ҳолатлар юзага келиши мумкин. Бу банқда ликвидлилик рискини келтириб чиқаради. Ликвидлилик риски – банкнинг ўз молиявий мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажара олмаслиги натижасида банқда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ таваккалчилиқдир. Банкнинг ликвидлилик риски асосан, актив ва пассивларнинг сўндирилиш муддатларининг ўзаро номувофиқлиги оқибатида юзага келади.

Миллий ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда ликвидлилик рискини бошқаришнинг қуйидаги асосий йўналишларини белгилаб олиш тавсия этилади:

- а) ликвидлилик рискини бошқаришнинг мақсад ва вазифалари;
- б) ликвидлилик рискини аниқлаш, баҳолаш, мақбул даражасини белгилаш ва уни мониторинг (доимий кузатув) қилишнинг асосий усуллари;
- в) ликвидлилик рискини камайтириш ва назорат қилишнинг асосий йўналишларини (таваккалчиликни омонатчи ва кредиторлар манфаатлари, банк барқарорлигига хавф солмайдиган мақбул даражада сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш) аниқлаш;
- г) ликвидлилик масалалари бўйича ахборот таъминоти тартиби (бўлинмалар ва ходимлар ўртасида ахборот алмашиш тартиби, ликвидликни бошқариш масалалари бўйича ҳисботлар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш тартиби ва даврийлиги);
- д) Банк Кенгаши, Бошқарув ва бошқа ижро этувчи органлар ҳамда банк хизматчилари ўртасида ликвидлилик рискини бошқаришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш бўйича ваколатлар ва жавобгарликни

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

тақсимлаш.

Фикримизча, ликвидлилик рискини бошқариш жараёнида Банк қуийдаги тамойилларга асосланиши молиявий барқарорликни сақлашга имкон беради:

а) ликвидликни бошқариш ҳар куни ва узлуксиз равища амалга оширилади;

б) ликвидлилик рискини баҳолашда қўлланиладиган методлар ва инструментлар Марказий банк норматив ҳужжатларига ва рискларни бошқариш соҳасидаги сиёсатга зид келмаслиги керак;

в) Банк раҳбарлик қилаётган органлар ва бўлинмалар орасида ликвидликни бошқариш бўйича ваколатлар ва мажбуриятларни аниқ тақсимлайди;

г) ликвидлилик ва даромадлилик ўртасидаги ихтилофда банк ликвидлилик фойдасига қарорлар қабул қиласи;

д) ликвидлилик ҳолатига таъсир қилувчи ҳар бир битим ликвидлилик рискини ҳисоблашда қабул қилиниши керак. Активларни турли молиявий инструментларга жойлаштиришда банк ресурс манбасининг ҳажми ва муддатлилигини қатъий ҳисобга олади;

е) йирик битимларни амалга оширишда ликвидликнинг жорий ҳолати ва ўрнатилган лимитлар мувофиқ келиши белгиланган тартибда таҳлил қилинади;

ж) ликвид маблағларга талабни доимий равища режалаштириш ишлари амалга оширилади.

1-жадвал.

Банк тизими ликвидлилик қўрсаткичлари¹

Сана	Юқори ликвидли активларнинг жами	Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициенти, фоизда	Соф барқарор молиялаштириш меъёри, фоизда (минимал талаб)	Лаҳзали ликвидлилик коэффициенти, фоизда
------	---	---	---	---

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари www.tadqiqotlar.uz

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

	активларга нисбати, фоизда	(минимал талааб - 100 фоиз)	- 100 фоиз)	(минимал талааб - 25 фоиз)
1	2	3	4	5
01.01.2020 й.	11,3	208,5	112,8	47,8
01.01.2021 й.	14,2	224,5	109,9	67,4
01.01.2022 й.	17,7	189,6	115,4	99,3
01.01.2023 й.	19,4	211,6	115,6	110,1
01.01.2024 й.	14,9	164,8	111,8	87,4

Мамлакат тижорат банкларининг ликвидлилик кўрсаткичи тўғридан тўғри банкларнинг молиявий ҳолатини ифодалайдиган молиявий кўрсаткичлардан биридир. Банкларнинг ликвидлилик кўрсаткичлари юқори бўлиши бир томондан ижобий бўлса, иккинчи томондан бунга салбий жиҳатдан қарашимиз мумкин. Чунки, банк активларининг ликвидлилиги қанчалик юқори бўлса, унинг даромадлилик даражаси шунчалик паст бўлади.

Фикримизча, тижорат банклари ўз молиявий барқарорлигини таъминлашда ҳам ликвидлилик даражасини, ҳам даромадлилик даражасини инобатга олишлари лозим.

Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициентининг минимал даражаси 100 фоиз этиб белгиланган бўлиб, мамлакат банкларида бу кўрсаткич бир неча марта юқори эканлигини кўриш мумкин, яъни ўртacha 200 фоиз атрофида.

Соф барқарор молиялаштириш меъёри кўрсаткичи Базель талаблари асосида киритилган кўрсаткичлардан бири бўлиб, унинг ҳам минимал даражаси 100 фоизни ташкил этиши лозим. Мамлакат тижорат банкларида

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

эса 109-115 фоиз атрофида тебраниб турибди.

Лаҳзали ликвидлилик коэффициентининг минимал даражаси 15 фоиз бўлиб, 47-110 фоиз натижани қайд этган. Демак, банкларда ликвидлилик даражаси талаб этилган барча нормалардан юқори.

Юқоридаги тамойилларга асосланган ҳолда ликвидлилик рискини бошқаришнинг мақсади банкнинг молиявий инструментларидан фойдаланиш жараёнида мажбуриятларни тўлиқ ва ўз вақтида бажара олмай қолишини олдини олиш ҳисобланади.

Банк ликвидлилик рискини бошқариш мақсадида қўйидаги вазифаларни бажаради:

- а) ликвидлилик рискини аниқлаш (идентификация);
- б) ликвидлилик риски даражасини ўрганиш, ўлчаш ва аниқлаш;
- в) Марказий банк томонидан ликвидлилик бўйича белгиланган меъёрларни бажариш;
- г) ликвидликни салбий тенденция вужудга келиш босқичидаёқ бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ҳамда Банк фаолиятига реал даражада хавф соладиган даражага етишига йўл қўймаслик (таваккалчиликни минималлаштириш);
- д) ликвидлилик риски салбий натижасида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни минималлаштириш;
- е) ликвидлилик рискини банкнинг молиявий барқарорлиги ҳамда омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларига хавф туғдирмайдиган даражада ушлаб туриш бўйича чоралар қабул қилиш.

Ликвидлилик рискини аниқлашда ушбу таваккалчиликни юзага келтирувчи ички ва ташқи омиллар ўрганилади. Ликвидлилик рискини юзага келтирувчи ташқи омилларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- а) Чет элга тўловларнинг чекланиши, эмбарго киритилиши, лицензияларнинг бекор қилиниши, уруш, кўзголон, сиёсий тузумнинг нобарқарорлиги, миллийлаштириш, хусусийлаштириш, иқтисодий инқизозлар ҳамда табиий оғатлар натижасида содир бўладиган сиёсий,

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

ижтимоий, иқтисодий ва бошқа ҳолатлар;

б) валюта курсларидағи нобарқарорлик, инфляция, банк тизимиға нисбатан мижозлар ишончининг йўқолиши, банкротлик ва бошқалар.

Ликвидлилик рискини юзага келтирувчи ички омиллар сифатида бевосита банк фаолияти билан боғлиқ бўлган қуидаги омилларни келтириш мумкин:

а) активлар ва мажбуриятлар муддатлари ўртасидаги номувофиқлик;

б) Активлар ва мажбуриятларининг диверсификацияланмаганлиги ва юқори концентрацияси;

в) банк обрўсининг йўқолиши ва бошқалар.

Банкда ликвидлилик муаммосининг кучайиши одатда кредит, валюта ва фоиз рискини қўп микдорда ўсиши билан боғлиқ бўлади. Содир бўлган ликвидлилик муаммосининг салбий таъсирларини камайтириш маҳсус чоратадбирларни олдиндан режалаштириш йўли орқали амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ги Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низом://Ўзбекистон қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015.
4. Абдуллаев А.Я. Тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини баҳолаш механизмини такомиллаштириш. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2019 йил.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

5. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. –Тошкент, 2000.-46 б;
6. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш.- Т.: Молия, 2002. - 304б
7. Диана Мак Нотон. Банковские учреждения в развивающихся странах.- ИЭР МБРР.-Вашингтон Д.С., 2001.-с.75
8. Холмаматов, Фарходжон Кубаевич. "ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЛИКВИДЛИЛИК РИСКИНИ БОШҚАРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari." Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari 5.1 (2024): 375-382.
9. Xolmamatov, F. (2023). Bank tizimi barqarorligini oshirishda kredit risklarining ahamiyati va ularni kamaytirish yo'llari.
10. Фарходжон Кубаевич Холмаматов. (2024). БАНК ТИЗИМИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЛИКВИДЛИЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАР АСОСИДА БАҲОЛАШ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ. Journal of New Century Innovations, 50(3), 56–64. Retrieved from <https://www.newjournal.org/index.php/new/article/view/12642>
11. Xolmamatov, F. (2023). Bank tizimi barqarorligini oshirishda kredit risklarining ahamiyati va ularni kamaytirish yo'llari. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 1(9). Retrieved from <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/953>
12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг йиллик ҳисоботлари